

11-01/62-son

7 iyul 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2026 йил 6 июль

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Н. Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, вилоят бошқармалари ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.да назоратдаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишида берилган топшириқлар, мурожатлар билан ишлаш*);

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги ПҚ-49-сонли қарорига асосан, хизматлар соҳасига туртки берувчи лойиҳалар, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги”, “оғир” тоифадаги туман ва маҳаллаларда ҳамда “драйвер” лойиҳаларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

3. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, хусусан Давлат Раҳбарининг 2026 йил 24 июндаги “Саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-238-сон қарори ижросини ташкил қилиш ҳамда санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида;

4. Давлат Раҳбари ҳузурида 2026 йил 7 апрель куни спорт бўйича ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар, хусусан вилоят, туман (шаҳар) ҳокими олимпиадалари якунлари ҳамда Президент олимпиадасига тайёргарлик бўйича масъуллар ва ҳокимларнинг ҳисоботи тўғрисида;

5. Аҳоли ва тадбиркорларга ажратилган муаммоли кредитларни ундириш (NPL) бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан тижорат банклари, туман, шаҳар ҳокимликларининг ҳисоботлари;

6. Қўшимча масалалар (“Қизил ярим ой” жамиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалла биноларини қуриш ва маҳаллаларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, Ахборот хизмати томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, М.Мамадиярова, А.Муллажонов, М.Зарипов, Л.Облақулов, Н.Сафоев, З.Азимов, У.Халилов, Ш.Бўронов, Э.Акрамов, Д.Эргашев, Н.Жўраев, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Елмуратов, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди ҳамда Хатирчи ва Навбаҳор туманларида ўтказилган ўрганиш натижалари ўқиб эшиттирилиб, вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари, корхона, ташкилотларнинг биринчи раҳбарларига шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган йиғилишларда берилган топшириқлар ижро ҳолатини таҳлил қилиб, уларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, кечиктирмасдан ва сифатли тарзда бажариб борилишини таъминлаш топшириғи берилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) билан биргаликда Давлат Раҳбарининг edo.ijro.uz тизими орқали ижроси назоратга олинган июль ойидаги топшириқлари ижросини ҳамда муддати узайтиришга маъқулланган 29 та топшириқлар бўйича тизимли назорат ўрнатиб, амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ҳафта муҳокамалар қилиб бориши алоҳида қайд этилди.

Хатирчи тумани ҳокими (Адизов)га Хатирчи тумани ҳокимлигида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ўтказилган ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, ижрога қаратиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилояти Халқ қабулхонаси (Абдуазизов)га жисмоний ва юридик шахслар томонидан Президент виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали йўлланган мурожаатларни ёлғон маълумотлар билан назоратдан ечилишига йўл қўйилмаслигини ҳамда Халқ қабулхоналарига йўлланган мурожаатлар бўйича туман (шаҳар) ҳокимларига ҳудудлардаги Халқ қабулхоналари масъуллари томонидан таҳлилий маълумотлар киритиш топшириғи берилди.

Йиғилишда, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги”, “Оғир” тоифадаги туман, маҳаллалар ҳамда “драйвер” лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошираётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилиб, бу борадаги ишлар етарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда орқада қолаётган объектлар бўйича ишларни тезлаштириш бўйича тегишли масъулларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарларига ушбу ишларни назоратга олиб, доимий муҳокама қилиб бориш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш масалалари муҳокама қилиниб, масъулларга зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов)га вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев) ва Хатирчи тумани ҳокими (Адизов) билан биргаликда Хатирчи туманидаги “Пўлкан” оилавий шифокорлик пункти биносини фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириш ишларини жадаллаштириши қайд этилди.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев)га туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2026 йилда тиббиёт соҳасини ва тиббий хизматни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб тасдиқлаши ҳамда ҳар ой якуни билан ушбу йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси бўйича маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб бориши бўйича кўрсатмалар берилди.

Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Бобоқулов)га вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев) ва туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида, ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам машиналари ҳолатини ўрганиб, янги харид қилинадиган ва таъмирлаш имкони бор хизмат автомашиналари бўйича аниқ ҳисоб-китобларни қилиб, таклифларни киритиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, вилоятда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилиб, бу борада вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси бошлиғи З.Азимовнинг ишлари қониқарсиз аҳволдалиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев)га вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси (Азимов) Кармана тумани ҳокими (Болтаев) билан биргаликда уч кун муддатда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Кармана туман бўлими биноси бугунги кунда носоз (авария) ҳолатда эканлигини қаттиқ танқид қилиниб, вақтинчалик бошқа бинога кўчириш бўйича таклифлар киритиши алоҳида қайд этилди.

Йиғилиш кун тартибида, “Президент олимпиадаси” спорт мусобақаларига тайёргарлик жараёнлари муҳокама қилиниб, туман (шаҳар) ҳокимлари ва масъулларга мусобақаларда иштирок этадиган спортчиларга

ҳамда спорт мусобақаларини ўтказишда зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга навбатдаги масала сифатида муаммоли кредитларни ундириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги муҳокама қилинди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига муаммоли кредитлар салмоғи 486 млрд.сўмни шундан, имтиёзли кредитлар 51 млрд.сўмни ташкил этаётганлиги, муаммоли кредитларнинг асосий қисми Кармана тумани (95 млрд.сўм), Навоий шаҳри (80,5 млрд.сўм), Қизилтепа тумани (57 млрд.сўм), Навбаҳор тумани (55 млрд.сўм), Хатирчи тумани (45 млрд.сўм), Зарафшон шаҳри (35 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Банклар кесимида муаммоли кредитлар салмоғи Агро банкда 133 млрд.сўмни, Микрокредитбанкда 60 млрд.сўмни, Ипотека банкда 40 млрд.сўмни, Турон банкда 36 млрд.сўмни ҳамда Саноатқурилишбанкда 35 млрд.сўмни ташкил этганлиги таъкидланди.

Вилоят ҳокими томонидан масъулларга нисбатан эътирозлар билдирилиб, муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш вазифалари юклатилди.

Бундан ташқари, йиғилишда 2026 йил иккинчи чорак учун белгиланган саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ҳамда қурилиш ишлари бўйича корхоналар томонидан статистик ҳисоботларни тўлиқ топширтириш ҳамда “Қизил ярим ой” жамиятига ихтиёрий равишда жамоавий аъзолик ва хайрия маблағлари ўтказилишини таъминлаш юзасидан масъулларга топшириқлар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ҳикматов**), Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси (**Маматов**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 апрелдаги ПФ-68-сон Фармони 3-илова 6-бандида белгиланган топшириқ ижросини белгиланган тартибда назоратдан чиқариш чоралари кўрилсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) **уч кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 8 майдаги ПФ-83-сон Фармони 10-бандига асосан, лалми ва яйлов ер участкаларини фойдаланишга киритиш мақсадида, бульдозер ва экскаваторларни харид қилиш бўйича таклифларни киритсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари жорий йилнинг ўтган даври давомида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёнлари билан муддати узайтиришга маъқулланган 29 та Давлат Раҳбари топшириқлари билан шуғулланиб, ижросини таъминлаш чораларини кўриб борсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) билан биргаликда Давлат Раҳбарининг edo.ijro.uz тизими орқали ижроси назоратга олинган июль ойидаги топшириқлари ижросини ҳамда муддати узайтиришга маъқулланган 29 та топшириқлар бўйича тизимли назорат ўрнатиб, амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта** муҳокамалар қилиб борсин.

5. Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**):

бир кун муддатда Хатирчи тумани ҳокимлигида ижро интизоминини мустаҳкамлаш бўйича ўтказилган ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, ижрога қаратсин;

ўн кун муддатда Хатирчи тумани прокурори (**Норов**) билан биргаликда ижро муддати **жорий йилнинг 15 июлига қадар** бўлган барча топшириқлар ижросини таъминлаш чораларини кўрсин;

ўн кун муддатда ижроси таъминланмаган топшириқлар бўйича камчиликка йўл қўйган масъулларга нисбатан кескин чоралар кўриб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

6. Кадастрлар агентлиги вилоят бошқармаси (**Нишонов**) **бир кун муддатда** edo.ijro.uz тизими орқали ижроси назоратга олинган топшириқлар ижроси таъминланмаганлиги, ижро интизомига риоя қилинмаганлиги ҳамда ишда йўл қўйган камчиликлари учун Кадастрлар палатаси Навбаҳор тумани бўлими бошлиғи А.Қурбоновга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораси қўлланилсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

7. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадарлар гуруҳи (**Авезов**) вилоят ҳокимлиги масъул ходими (**Сайфиддинов**) билан биргаликда Хатирчи ва Навбаҳор туманида ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар ижроси бўйича ҳамда қўшимча 2 та ҳудуд бўйича ўрганиш ўтказиб, **навбатдаги йиғилишга** танқидий-таҳлилий маълумотлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилояти Халқ қабулхонаси (**Абдуазизов**):

бугундан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар томонидан Президент виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали йўлланган мурожаатларни ёлғон маълумотлар билан назоратдан ечилишига йўл қўйилмаслигини;

икки кун муддатда ҳудудлардаги Халқ қабулхоналари масъуллари томонидан Халқ қабулхоналарига йўлланган мурожаатлар бўйича туман (шаҳар) ҳокимларига таҳлилий маълумотлар киритилишини таъминласин ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

9. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) **бир кун муддатда** ҳудудлар бўйича шакллантирилган бўш иш ўринларининг манзилли рўйхатини туман (шаҳар) ҳокимларига киритсин ҳамда ушбу бўш иш ўринларига ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминланиши бўйича кунлик мониторинги юритилиб, амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб борсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

10. “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ, “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДМ (**Исмоилов**), “Миллий электр тармоқлари” АЖ (**Раимов**) томонидан “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги”, “Оғир” тоифадаги туман, маҳаллалар ҳамда “драйвер” лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошираётган ишлари етарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари **А.Ниёзов** “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМга янги раҳбар тайинлангунга қадар, муассасадаги ишларни назорат қилиб, фаолиятини юритиб боришига масъул этиб бириктирилсин.

11. Вилоят Автомобиль йўллари бошқармаси (**Пирназаров**), ИИБ ЖХД ЙҚХ бошқармаси (**Ҳафизов**) билан биргаликда Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси (*А.Навоий ҳайкалидан Гул бозоригача бўлган қисми*)да 24/7 хизмат кўрсатиш кўчаси ташкил этилганлигидан келиб чиқиб, йўл бўйида автомобилларни вақтинча тўхташ жойларини ташкил этиш имконини ўрганиб, **уч кун муддатда** вилоят ҳокимига таклифлар киритсин.

12. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), Конимех тумани ҳокими (**Рўзиев**) билан биргаликда тумандаги “Ш.Рашидов”, “Ибн Сино” ва “Нурафшон” кўчалари йўл бўйи инфратузилмасини яхшилаш объекти бўйича Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (НАПУ) хулосасини олиш мақсадида, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилсин ҳамда пудратчи ташкилотни аниқлаш чораларини кўрсин.

13. Шаҳар ва туман ҳокимлари “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги”, “Оғир” тоифадаги туман, маҳаллалар ҳамда “драйвер” лойиҳалар дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафта жума кuni** вилоят ҳокимлигига маълумот киритиб борсин.

Назорати **А.Ниёзовга**.

14. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев, Раҳмонов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда қурилиш ишларининг кунлик мониторингини йўлга қўйиб, муаммоли объектлар бўйича жойида ўрганишлар ташкил этган ҳолда, муаммоларни бартараф этиб, амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

15. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов**) “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги”, “Оғир” тоифадаги туман, маҳаллалар ҳамда “драйвер” лойиҳалар дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларни **ҳар икки кунда** масъуллар иштирокида танқидий муҳокама қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин.

16. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) туман (шаҳар) ҳокимлари, масъул ташкилотлар билан биргаликда:

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун ер майдонларини (“E-auksion” ва “K-savdo”) савдога чиқариш;

савдоларда сотилмай турган лотлар бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиб, тадбиркорларни жалб қилиш;

сотилиб, қурилиш бошланмаган лотлар бўйича тадбиркорлар билан ишлаб, қурилиш ишларини бошлаш чораларини кўрсин.

17. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) **уч кун муддатда** Хатирчи туманидаги “Пўлкан” оилавий шифокорлик пункти биносини фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириш ишларини якунига етказсин.

18. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) Навбаҳор тумани ҳокими (**Рашидов**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** тумандаги барча тиббиёт муассасаларига бирма-бир кириб, аниқланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда ижроси бўйича тизимли назорат ўрнатиб, амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимлиги (**Ж.Ходжаев**)га ахборот киритиб борсин.

19. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ, Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) билан биргаликда Навоий шаҳар туғруқ комплекси ва вилоят Перинатал маркази фасад қисмларини ҳамда тиббиёт шаҳарчасининг ички йўллари таъмирлаш ишларини жадаллаштирсин.

20. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** 2026 йилда тиббиёт соҳасини ва тиббий хизматни ривожлантириш бўйича “**Йўл харитаси**”ни ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда **ҳар ой якуни билан** ушбу йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси бўйича маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб борсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

21. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) бугундан давлат комиссиясини жалб қилиб, Онкология марказининг қўшимча 55 ўринга мўлжалланган химия-паллиатив даво биносини фойдаланишга топширилишини ўз назоратига олсин ҳамда **уч кун муддатда** натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот берсин.

22. Вилоят Автомобиль йўллари бошқармаси (**Пирназаров**) вилоят Онкология шифохонасига кириш йўлакларини таъмирлаш мақсадида, жойида ўрганиб **икки кун муддатда** таклиф киритсин.

23. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **уч кун муддатда** аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида, ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам машиналари ҳолатини ўрганиб, янги харид қилинадиган ва таъмирлаш имкони бор хизмат автомашиналари бўйича аниқ ҳисоб-китобларни қилган ҳолда, таклифларини вилоят ҳокимига киритсин.

24. Вилоятда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш борасида вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси бошлиғи **З.Азимовнинг** ишлари қониқарсиз аҳволдалиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси бошлиғи **З.Азимовнинг** лавозимига лойиқлик масаласини кўриб чиқиш бўйича ўрнатилган тартибга кўра юқори турувчи ташкилотига киритиш учун тақдимнома лойиҳасини тайёрлаб, вилоят ҳокимига имзога киритсин.

25. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**):

вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси (**Азимов**) Кармана тумани ҳокими (**Болтаев**) билан биргаликда **уч кун муддатда** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Кармана туман бўлими биноси бугунги кунда носоз (авария) ҳолатда эканлигини инобатга олиб, вақтинчалик бошқа бинога кўчириш бўйича;

вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) **уч кун муддатда** мактабгача ва мактаб таълими муассасалари ўқувчи ва тарбияланувчиларини вирусли **Гепатит А** касаллигига қарши эмлаш мақсадида, ажратиладиган маблағ ва манбаларига аниқлик киритган ҳолда таклифларини киритсин.

26. Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси (**Азимов**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда вилоятдаги барча мактабгача таълим ташкилотларида болалар овқатланишини ташкил этиш, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Бир ҳафта муддатда камчиликка йўл қўйган масъулларга нисбатан кескин чоралар кўриб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

27. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) Навбаҳор тумани ҳокими (**Рашидов**) билан биргаликда Навбаҳор туманида ташкил этилган питомник фаолияти билан жойига чиққан ҳолда танишиб, **бир кун муддатда** аниқланган камчиликлар ва уни бартараф этиш бўйича таклифларини вилоят ҳокимига киритсин.

28. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

уч кун муддатда “Президент олимпиадаси”да иштирок этадиган туман (шаҳар) спорт мактаблари спортчилари учун ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, витаминизациялар билан таъминлаш учун молиявий муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрсин;

“Президент олимпиадаси” ўйинларига тайёргарлик кўраётган спортчилар билан алоҳида учрашувлар ўтказиб, уларнинг шароитларини ўрганиб, уларга амалий ёрдамлар бериб борсин;

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят Спорт бошқармаси (**Муртозаев**) назоратга олиб, амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин.

29. Вилоят Спорт бошқармаси (**Муртозаев**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) **бир ҳафта муддатда** республика босқичида иштирок этадиган вилоят терма жамоаси спорт экипировка намуналари тақдимотини қилсин ҳамда республика босқичи билан боғлиқ сарф харажатлар сметасини ишлаб чиқиб вилоят ҳокимлиги (**Ходжаев**)га киритсин.

30. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят Спорт бошқармаси (**Муртозаев**):

бир ҳафта муддатда федерациялар, мураббийлар ва спортчилар билан тайёргарлик жараёнларининг боришини муҳокама қилиб, ҳар бир спорт тури бўйича терма жамоа мураббийлари ва спортчилар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсин.

Ўзига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажармаганлиги ва ишда йўл қўйган камчиликлари учун вилоят Олимпия ва паралимпия маркази раҳбари **Б.Қурбонов**нинг лавозимига лойиқлик масаласини кўриб чиқиш бўйича юқори турувчи ташкилотига киритиш мақсадида, тақдимнома лойиҳасини тайёрлаб имзолаш учун вилоят ҳокимига киритсин.

31. Шаҳар ва туман ҳокимлари иқтисодий комплекс раҳбарлари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда муаммоли кредитларни маҳаллалар кесимида сўндирилишини шахсан ўзи бошчилигида шуғулланиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин.

Тижорат банклари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишларни йўлга қўйган ҳолда ундирув жараёнини жадаллаштириш чораларини кўрсин.

32. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) **бугундан бошлаб, ҳар кuni** муаммоли кредитларни сўндириш бўйича тижорат банклари ҳамда туман (шаҳар)лар кесимида кунлик ўзгариш тўғрисидаги таҳлилий маълумотни вилоят ҳокимлиги (**Сулаймонов**)га киритиб борсин.

33. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) туман (шаҳар) ҳокимлари, маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳар бир маҳалла кесимида муаммоли кредит қарздорликларни ундириш чораларини кўрсин.

“Оилавий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш” дастури асосида берилган имтиёзли кредитларнинг сўндирилишига туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари ва тижорат банклари раҳбарлари шахсан жавоб бериши белгилаб қўйилсин.

34. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) Марказий банк вилоят бошқармаси (**Шаропов**), тижорат банклари ва туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда муаммоли кредитларни сўндириш юзасидан кунлик муҳокамалар ташкил этсин.

35. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (**Шамшиев**), Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **уч кун муддатда** вилоят ҳокимлиги ишчи ходимларининг жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғидан, коммунал хизматлардан ҳамда муаммоли кредитлардан ҳосил бўлган қарздорликларни тўлиқ ундириш чораларини кўрсин.

36. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Бобоқулов**), Марказий банк вилоят бошқармаси (**Шаропов**), тижорат банклари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот (муассаса)лар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширган ҳолда фуқароларнинг ҳамда корхона (ташкилот)ларда ишловчи ишчи-ходимларнинг жорий 2026 йил учун ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғидан, коммунал хизматлардан ҳамда муаммоли кредитлардан ҳосил бўлган қарздорликларни тўлиқ ундириш чораларини кўрсин.

37. Барча корхона ва ташкилот раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган корхона ва ташкилотларнинг ўзида ҳамда қуйи тизимида фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларнинг жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғидан ҳамда муаммоли кредитлардан ҳосил бўлган қарздорликларни тўлаш ҳамда тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб борсин.

38. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Облақулов**) жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғидан ҳамда муаммоли кредитлардан ҳосил бўлган қарздорликларни бартараф этиш мақсадида, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари томонидан аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда амалий кўмаклашсин.

39. Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (**Тоштемиров**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 30 мартдаги ПФ-50-сон Фармониға мувофиқ жорий этилган қўшимча ихтисослаштирилган давлат ижрочилари фаолияти танқидий қайта кўриб чиқилиб, улар томонидан тижорат банклари билан биргаликда ҳар бир ижро ҳужжати бўйича манзилли ишларни ташкил этиш, қарздорларға чиқиш, мол-мулкларни аниқлаш ва ундирувни тезлаштириш чораларини кўрсин.

Амалға оширилган ишлар натижадорлиги бўйича **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимиға таҳлилий маълумот киритиб борсин.

40. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев, Бахромов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2026 йил II чорак учун белгиланган саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ҳамда қурилиш ишлари бўйича бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботларни статистика органларига тўлиқ топширилишини таъминласин.

Бунда, белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камайишга йўл қўйган туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланиши белгилаб қўйилсин.

41. Туман (шаҳар) ҳокимлари, корхона (ташкилот) раҳбарлари:

ўн кун муддатда барча ташкилотлар “Қизил ярим ой” жамиятининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилишини ҳамда “Қизил ярим ой” жамияти вилоят ташкилотининг ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда жамоавий аъзолик ва хайрия маблағлари ўтказилишини;

жорий йилнинг **15 июлига қадар** “Қизил ярим ой” жамиятининг туман (шаҳар) бўлимлари моддий-техника базасини яхшилаш, ташкилот жойлашган биноларини таъмирлашга амалий ёрдам берилишини;

туман (шаҳар) ташкилотларидан тушадиган аъзолик ва хайрия маблағларини ўз вақтида туширилишни таъминласин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (**Нуруллаев**) **ўн кун муддатда** мазкур банд ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига маълумот киритсин.

42. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, корхона (ташкилот) раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари:

Навоий вилоятининг замонавий тарихи ҳақидаги китоб лойиҳасига ҳамда **“Навоийга келишнинг 11 сабаби”** номли ҳужжатли фильм лойиҳаси учун талаб этиладиган материалларни тайёрлаш ва ташкилий масалаларда вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Ш.Раубаева)га ҳар томонлама амалий кўмак бериб, ҳамкорликда ишларни ташкил қилсин.

Мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилган ижобий жараёнлар ҳақида фото ва видео архивларни йиғиш, тизимлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архивига топшириш ишларини вилоят Архиви (**Бекова**) билан биргаликда ташкил қилинишини таъминласин.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**) мазкур тадбирлар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ўн кунда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борсин.

43. Навоий шаҳар (**Эргашев**), Хатирчи (**Адизов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимлари, Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облақулов**) билан биргаликда:

Навоий шаҳридаги 3 та (*Маърифат, Фаровон, Янги ҳаёт*) маҳаллаларни янгидан қуриш, “Зарафшон” маҳалла биносини балансдан балансга ўтказиб, жорий таъмирлаш ишларини алоҳида назоратга олиб, объектларни белгиланган муддатларда ишга туширилишини;

Хатирчи туманидаги “Чағатой” ва “Фаровон” маҳаллаларига янги бино қуриш, “Миришкор” ва “Олмазор” маҳаллаларини реконструкция қилиш;

Қизилтепа туманидаги “Тошмачит” маҳалласини собиқ ҚВП биносига таъмирлаган ҳолда кўчириш, “Қалъайи азизон” маҳалласини жорий таъмирлаш;

Нурота туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи қурилишини жадаллаштириш, “Оқмачит”, “Сайдато” маҳаллаларини реконструкция қилиш ишларини **жорий йилнинг 1 сентябрига қадар** якунига етказишини таъминласинлар.

Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облақулов**) маҳаллаларда қурилиш-таъмирлаш ишларининг бориши тўғрисида **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимиغا маълумот киритиб борсин.

44. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

маҳаллаларда раислар ва еттилик томонидан ўтказилган сайёр қабулда аниқланган аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар (226 та)ни тегишли мутасаддилар билан жойига борган ҳолда ўрганиб, ижобий ҳал этилишини таъминласин.

Мазкур банд ижроси юзасидан Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Облақулов**), вилоят Халқ қабулхонаси (**Абдуазизов**) **ҳафталик** мониторинг ўрнатиб, вилоят ҳокимиغا ахборот киритиб борсин.

45. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф. Эшбоев